



## ЛИРИК КОМПОЗИЦИЯДА МОДЕРН ШЕЪР ТАБИАТИ ТАЛҚИНИ

*Ботирова Ш.И.*

*Чирчиқ давлат педагогика университети,  
педагогика фанлари доктори, проф.*

**Таянч сўзлар:** ижод ва илҳом, шеър ва шоирлик, талқин ва тасвир, сюжет ва фабула, композиция, модерн, лирика, композиция, шеърят, шакл.

**Ключевые слова:** творчество и вдохновение, поэзия и поэзия, интерпретация и образ, сюжет и басня, композиция, модерн, лирика, композиция, поэзия, форма.

**Key words:** creativity and inspiration, poetry and poetry, interpretation and image, plot and fable, composition, modern, lyricism, composition, poetry, form.

Ижод ва илҳом, шеър ва шоирлик, талқин ва тасвир, сюжет ва фабула булар бирлашиб яхлит нуқтада – композицияда маромига етади. Шоир сўз қўллаиди, такрорлар, тасвир ва оҳангни қюқлаштиради, уларга залворли бир маъно юклайди, уларни сралайди, тартиблаштиради буларнинг барчаси ягона эстетик марказда уюшади. Хўш, композицияси асар бўлиши мумкинми? Модерн шеърятда-чи? Йўқ, ҳар бир асар ўзининг тизилиш сифати ва фалсафий қамров чегарасига эга. Оламдаги ҳар бир ҳодисаларда маълум бир тартиб бўлганидек, модерн шеърда ҳам маълум бир композицион тамойил мавжуд. Негаки, шеър табиатидаги умумий бир хусусиятни сюжет ва композиция ташкил қилиши мумкин, аммо модерн шеърнинг табиатида эса бу бошқача шаклда аксланади. Бу ҳақда сўз борганда, У.Ҳамдам қуйидаги мулоҳазаларини баён қилади: “Менинг назаримда янги, модерн шеър бу, аввало, бадий тафаккурдаги янгиланишдир. Асло қофиядан, ритмдан онгли равишда воз кечиш эмас. Албатта, ана ўша янгиланган бадий тафаккур маҳсулига янги либос – янги шакл кийдириш агар шоирга муяссар бўлса, нур устига нур. Бўлмаса, бу шоирнинг айби ё камчилиги ҳисобланмаслиги лозим. Янги шакл, ифода зўр бериш билан эмас, балки дунёқарашдаги, оламни идрок этишдаги янгориш билан, бадий тафаккур тарзимиздаги, дидимиздаги янгиланиш билан, де-



макки, ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик заминдаги улкан сил-жишлар билан дунё юзини кўради. Шавкат Раҳмон шеърятини олайлик. У анъана заминида яратилган янги, оригинал шеърятдир. Бу шеърятнинг анъанага яқинлик даражаси анча юксак бўлганидан бир қарашда кўп ҳам оригинал шеърят бўлиб туюлмади. Бироқ адабиёт илми, бадиият қонуниятлари нуқтаи назаридан ҳижжалаб ўрганилганда, Шавкат Раҳмон шеърятининг ўзига хослиги очила боради ва у масалан, салафлар шеърятидан қайси бир жиҳатларига кўра ажралиб туришининг гувоҳи бўламиз. Ёхуд модернистик шеърятимизнинг йирик вакилларида бири Баҳром Рўзимухаммад ва ёхуд Фаҳриёр шеърятини биз кўниккан анъанавий лирикамиканга нисбатан ғоят оригинал кўринмасин, улар ҳам ўз анъанасига эга”. Ҳақиқат шуки, мунаққид У.Ҳамдам фикрларида икки жиҳат қабариб кўринади: биринчидан, анъана ва ноанъана орасидаги чегарани фарқлаб ундан узоқлашмаган ҳолда, аниқлаб, ҳар икки хусусиятнинг ютуқ ва камчилиликларига кўз юммаслик бўлса, иккинчидан, ҳар икки ҳолатда ҳам ўз табиатини юзага чиқариш йўлидаги уриниш ва изланшиларни эътироф этганлигидадир. Мана шу эътироф замирида ҳақиқий шеърятнинг ютуқ-камчиликларини теран англаш сари йўл очиш мумкин бўлади. Бир қарашда, модерн шеърятнинг яхлит манзараси, поэтик структураси, инсон руҳиятига таъсири, фикр мантикий тараққиёти кабиларни талқин қилиш масаланинг моҳиятини ойдинлаштиради:

*Fas – Рим қонунларининг олий ҳуқуқи.*

*Fas est – “Ҳамма нарса раво”.*

*қаҳқаҳа билан*

*ойналар ичига кирмоқчи осмон.*

*бўйсунмаган шаҳарлар устига*

*аскарларни,*

*беҳисоб ҳуқуқлар билан қуроллантириб:*

*фас!*

*Fas – гажиб ташланг, дунё илкингида турар.*

*Fas – бошқа ҳаёт ва мулкка очиқдир йўллар.*

*Fas – қаҳр-газаб доврүгидан қисилган кўзлар.*

*Одамийлик шундайми, ахир?!*

*XX асрда*

*чақмоқдай ёнди бирдан:*

*Римнинг чорраҳаларида*

*бемаъни ибора –*

*Fas est!*



Ҳаётнинг мураккаб зиддиятлари, мана шу модерн шеър моҳиятида шоир ботинида неча минг йиллик антик юнон маданиятидаги босиб ўтилган йўл каби жаранглайди. Бу моҳиятнинг замирида ҳақиқий талантнинг ижодини кўрамиз. XX асрга келиб, ҳамма нарсаларнинг ўзгариши, илм-фанда кечаётган психология, фалсафа ва этика, эстетиканинг бир-бирига уйғунлашиб, яхлит организм каби бир марказда уюшуви юқоридаги шеър тимсолида ойдинлашади. Проф. Қ.Йўлдошев ёзишича: “XX асрнинг сўнгги чорагидан кейинги йиллар жаҳон фалсафаси ҳамда санъати тарихига универсализм даври сифатида киради. Негаки, бу даврга келиб воқеликни англаш ва бадиий акс эттиришга доир илгари амалда бўлмаган барча илмий қараш, ижодий метод, йўналиш ва фалсафий мактаблар ўзларининг бор имкониятларидан деярли фойдаланиб бўлдилар. Шунинг учун ҳам кейинги даврда пайдо бўлган бадиий оқим ва йўналишлар табиатини ифодалаш учун “пост”, “транс”, сингари олд қўшимчалар ёрдамида “трансреализм”, “трансавангард”, “постмодернизм”, “постструктурализм” каби атамалар қўлланилаётир. Бу атамалар реализм, модернизм ёки авангардизмдан кейин келган навбатдаги йўналишу оқимлар маъносини эмас, балки эндиликда санъату адабиётда бу ва бу каби бошқа метод ёки йўналишларнинг бирортаси яқка ҳукмрон бўлмайдиган давр бошланганлигини англатади. Соат сайин ўзгараётган дунёда, ўқирманлар эътиборига турли хил асар намуналари тақдим қилинмоқда. Булар ҳар бир даврдиган ҳам мисли кўрилмаган тарзда кўп. Шундайки, ҳар бир давр ҳаётнинг бир маромда кетмаслигини, ўзгаришлар ва ривожланишлар мудоми вақт билан чамбарчас боғлиқлигини англатади. Ў.Сулаймон ҳам юқоридаги шеърда ана шу ўзгаришларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини ўз юрагидан ўтказиб идроклайди. Ўқувчини минг йиллик тарихда бўлмаган ғайришуурий рух инқирозидан огоҳ қилади. Лекин умид – инсонни ичкарасидадир. Соғлом эътиқод ва маслак билан ҳам ўз бахтини куриш, тажрибалардан чўчимаслик, ҳаёл ва ҳаёт қонунлари ҳеч қачон бир-бирига тўғри келмаслигини тушунтиряпти. Ниҳоятда оғир фалсафий идрок этилган “Fas est” атамасига залворли маъно юклайди. Натижада ўқувчини фикрлаш тарзини ўзгартиришга олиб келади. Бугун шундай мантиқни тушунувчи авлод кўпми? Китоб маҳсулотлари ўқилмай пешлавҳаларда чанг босиб ётган бир пайтда, хослар учун диққатни жамлаш муҳимлигини ички изтироб билан далолатлайди. Мана шу оҳанг – юқоридаги шеърнинг композицион табиатини белгилайди:

*Биринчи файласуф қора кўйлакли тилшунос эди.  
Аждодлардан мерос ёввойи дунё унга*

(у тарихчи бўлган),  
 нияти ҳам қоп-қора,  
 қораларнингганими у зот  
 (телба эди ўзи).  
 Бизга  
 ҳамма нарса раво!  
 Ҳатто мантигу қиёс  
 ва ҳуқуқ ҳам хотирлар  
 бўрини эмиб ўсган  
 Ромул ва Ремни.  
 Қаранг, яна такрорланмоқда –  
 асрлар қаърига сингиб кетган  
 қисматнинг нишабларини  
 бўри каби ваҳшийлик билан  
 қўйдек бемажол шўрлик,  
 рангпар Рим.

Тарих ва бугун, келажак ва тахминлар хусусида теран бош ыотирган шоир ва давлат арбоби Ўлжас Сулайман янги эра кишисини, янги учинчи минг йиллик одамлар руҳиятини ҳам куюнчаклик билан чизишга эришди. Шоир яралишдан то бугуннинг кенгликларидаги мифопоэтик афсонларни модернистик талқин қилганлигида қабариб кўринади. “Қора кийган ким эди?” Асли у зоти шарифнинг хатолари Рим ва буни туркий халқлар тарихи, ўтмишига нима алоқаси бор? Ҳамма ҳақиқат мана шу ерда жамланади. Ҳақиқат шуки, шоирнинг файласуф чечакларидан унаётган ўткир ақидалар негизида олам ва одамнинг синоатлари бир маржонга тизилади. Ўзининг мана шу ақидалари бағрида эзилган халқнинг етиб келган манзилларига назар ташлайди. Рим дорулсалтанатида воқеан бўлаётган мана шу ўткир ҳақиқатлар “Fas est” моҳиятида янграши азал ва абад орасидаги мангу курашни тақозоламоқда. Аслида, шоир кўриб турган ҳақиқатнинг орқасида бошқа бир мавжудлик жумбоғи яшириндир. Уни закийларгина фаҳмлай оладилар. Тарихнинг маданий қатламларида қанчадан-қанча буюк ҳақиқатлар ўзининг баҳосини ололмай хунобдир. Буни дунё адабиёти билан тиллаша оладиган шоиргина кўришга қодир. Яратган Аллоҳнинг инсониятга берган ақлу заковати тагида минглаб сирлар мавжуд. Уни замон тафаккури билан шоирона тилда тушунтириш – модернализмнинг чекига ҳам тушиб улгурди. Ўзбек ва қозоқ шеърятининг мана шу мавзу-мундарижаси ҳар бир ўқирманга катта фалсафанинг моҳиятига кириб боришга етаклайди:



*Жимжимадор метеор –  
 хомхаёл йиллар.  
 Сиз мени севасизми, тоғлар?  
 Севасизми, одамлар?  
 Сизни тузатилмайди,  
 яссиликка айлантирилмайди,  
 нурашингиз унутилмайди, тоғлар,  
 сизнинг.  
 Ажойиб парчаларингиз,  
 Чунонам, чатоқ  
 лекин,  
 сизни қиёслаб бўлмайди,  
 тоғлар,  
 Сиз – қиёссиз.*

Ернинг ўз мувозанатида бир миллиметр ҳам чиқиб кетмасдан айланиши, ҳар бир жисмнинг тартибли ҳаракатлари – Аллоҳ қарами билан эканлиги маълум. Лекин инсон нафс бандаси. Хоҳласа тоғларни ҳам кунпаякун қиляпти, денгизларни саҳрои кабирга айлантирмоқда, ўзи етиштирган дов-дарахтларни кесиб соб қилмоқда, дарёларни ўзанидан бурмоқда, осмонларга учмоқда. Нафснинг кетига итдек эргашиб, ҳамма балоларни бошлаб бермоқда. Мана шу қуйинчаклик билан битилган манзумада – ҳамма изтироблар фикр тўрида ифодаланиб, ўқувчига, хрс ўқирманга ишора қилинмоқда. Катта мушоҳада тафаккурига яқинлашганинг сайин инсон ўзлигингни, насл-насабингни теран англаб борасан. Чунки айнан шу тафаккур қатъларида ўзликка ташналик мужассам.

Ҳар бир шеър табиатидаги сирли жумбоқлар – шоирнинг кўзига ва кўнгилга инган тафаккур ва тимсоллар йиғиндисиدير. “Ҳурлик ва кўшиқ олиб манзиллар сари бор” ишликнинг ўзи энг катта изтиробнинг бўлаклариدير. Шу тамойилда шоир диққатида бўлган хусусиятларнинг тобора такомиллашиб бориши қувонарли ҳолдир. Поэтик тафаккур сарҳадлари ҳамда, ғоявий, шаклий-услубий жиҳатларнинг янгиланиб бориши лирик композициянинг чуқурлашувига кенг имкон яратаётгани айни ҳақиқатдир.

“Шу маънода айтиш керакки, шеърятимиздаги бугунги модернистик интилишларда кўпинча оҳанг менсилмаётганининг гувоҳи бўлмаяпмизми? Бу ўринда оҳангни фақат бир хил миқдордаги ритмлар йиғиндиси ё кофиядан иборат деб тушунмаслигимиз лозим. Мен туйғу оҳангини назарда тутаяпман. Ҳар қандай яхши шеър ана шу оҳангдан истисно эмас.



Айниқса, ноанъанавий, бугун биз модерн дея эътиборларга ҳавола этаёт-ганимиз шеърда ички туйғу оҳанги бўлмас экан, у ҳеч нимага арзимайди...

Ойбекнинг 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг аввалида ёзган символистик шеърларини алоҳида урғулаб ўтишни истар эдим. Шоир «Кўнгил шеърлари»нинг аксари жуда жозиб туйғу асосига қурилганки, уларни кўникилган усулларда бирданига ва бирваракайига таҳлил қилиб ташлаш ва бундан завқ олиш ғоят мушқул. Бундай шеърлар рамзларга қоришган, рамзларга айланган туйғу тилини нозик тушунишни тақозо этади. Ҳатто бу ҳам камлик қиладигандек: ўқувчи ўз муҳитидан қабул қилиб олган ва бадий тафаккурида меъёрлашган, қатъийлашган айрим догма нуқтаи назарлар қафасини парчалаб ташлаб шеърни ўқишга тутинмоғи лозим. Шундагина балки омад қулиб боқар: санъат асари ўз бағрини очар... Эҳтимол, шундагина модернизмнинг санъат асарини Аристотель айтганидек, табиатга тақлид ва ундан олинган нусхагина деб эмас, балки табиатга, воқеликка муқобил, у билан баравар беллаша оладиган ўзга бир мувозий воқелик, дейиши маънисини тушуниб борармиз...” Дарҳақиқат, ижтимоий-бадий тафаккурдаги универсализм ҳодисасининг ҳар қачонгидан кенгайиб, такомиллашуви натижасида юқоридаги сифат ўзгаришларига юз тутмоқда. Натижада, инсонни таҳлил ва тадқиқ қилиш модификацияси ҳам бошқачаланди. Бундай улуғвор хусусиятларнинг шартли равишда такомиллашуви модернизм ҳодисасининг бугун ўз мавқени боша “изм”ларга бўшатиб беришга имкон берганлигида кўринади. Шу мақсадда, бу “изм”ларнинг бирортаси эскиргани йўқ. Ҳар қандай “изм” замирида инсон тақдири, унинг ўтмиши, яшаётган замони, тарзи сингдирилгани эътибордан чеккага чиқмаслиги лозим. Ана шундагина биз ҳар бир давр истеъмолидаги йўналишларга тўғри баҳо берган бўламиз:

*Юрагимнинг оқарган сочи*

*Тушиб кетар қўлингдан бир кун*

*Дарахтлар остига тўкилади куз*

Мана сизга ҳаёт ҳақиқати! Инсон умрини улкан картиналарда ёки узундан-узун тизмаларда тасвирлашнинг ҳеч бир жойидан кам бўлмаган ўхшатишига эътибор беринг: Бундай анъана замиридаги ҳақиқий изтироб чекаётган шоира учта масалага диққат қаратади: оқарган соч – биринчи тимсол (қариб, ҳаёт билан хайр-хўш айтишлик ва унинг кеч бўлганлиги); иккинчи тимсол – қўлдан кетган вақтнинг парчалари (бир кун!); ўша кунга эгаси тайёрми деган ҳадик билан юзланиши; учинчи тимсол – дарахталар остига тўкилган куз (ўлим ва ҳаётнинг сўнги, абадий фироқ).



Мана шу уч мисрада катта бир умумлашма тимсол яраклаб кўринади. Учта тимсолнинг – бир инсон қисматида аксланиши, ўзбек ва қозоқ шеърлятидаги модуслар ўзгарганлигига катта ишорадир. Ҳа, айнан шу зайлда битилган асарлар – туркий халқлар адабиётида катта элита вакиллари хайратлантиргаетгани шубҳасиз! “Замонавий ўзбек шеърлятида модернизмга нисбатан берилаётган шеърларда эса Европа модернизм адабиётида илгари суриладиган мутлоқо ёлғизлик, тушкунлик, Худони инкор этиш, тарихий маданиятдан воз кечиш, оила ва ота-онага нисбатан нигилистик муносабат масаласи кузатилмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб фикрлаганимизда, “Ўзбек модерин шеърляти” дейилганда анъанадаги шеърлятимизга қараганда янгичароқ, деклоративлик, воқеабандлик, зоҳирийлик хоссаларидан йироқ шеърлий асар тушунилади. Бу шеърлят янги шакллар, янгича композиция, янги услубий изланишлари билан мана шу “модерн” талабига жавоб беради”. Кўриб ўтганимиздек, ўзбек ва қозоқ адабиётидаги олға силжишлар замирида халқларимизнинг жаҳон ҳамжамиятига аралашуви, янгича дунёқарашнинг, айниқса, бадий тафаккурнинг хосланган, ҳамма тан олган ва ўрганишга киришган давр билан ҳам белгиланади. Қадимий аждодлар қолдирган меросни қайта тиклаш ҳамда уларнинг хурматини жой-жойига қўйиш, стратегик ҳамкорликнинг кучайиши, ижтимоий-гуманитар соҳада янги бир босқичга эшик очилиши юқоридаги мулоҳазаларимизни тўлақонли далолатлайди.

#### Адабиётлар:

1. Ҳамдамов У. Жаҳон адабиёти: Модернизм ва постмодернизм. –Т., Академнашр. 2020. –Б.154.
2. Сулаймонов Ўлжас. Шеърлар. <https://bilim-all.kz/olen>
3. Йўлдошев Қ. Сўз ёлкини. –Т., Адабиёт ва санъат. 2018. –Б.31.
4. Кўрсатилган адабиёт: Сулаймонов Ўлжас. Шеърлар. <https://bilim-all.kz/olen>
5. Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеърлятининг медитатив табиати. –Т., Qamar media. 2020. –Б.217.
6. <https://ziyouz.uz/suhbatlar/dunyoni-yangicha-korish-ehiyoji-umarali-normatov-va-ulugbek-hamdami-suhbati/>
7. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-zamonaviy-sheriyati/guzal-begim/>

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада лирик композицияда модерн шеър табиати талқини ҳақида сўз боради.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится об интерпретации природы современной поэзии в лирической композиции.

#### SUMMARY

This article talks about the interpretation of the nature of modern poetry in lyrical composition.